

Ўз вақтида огоҳлантириш, қутқариш ва ёрдам бериш асосий вазифамиздир!



○ Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги нашри ○

Газета 2004 йил 7 майдан чиқа бошлаган

14 ЯНВАРЬ – ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

Биз жонажон Ватанимизнинг хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминлашга ҳар томонлама қодирмиз. Тинч ва осойишта ҳаётимизни асраб, мустақиллигимизни мустаҳкамлаб, барқарор таракқиёт йўлимизни жадал давом эттирамиз!

Дарҳақиқат, бугунги кунда хавфсиз ҳаётни таъминлаш муҳим ва долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Тинчлик ва осудалик бор жойда ўсиш, таракқиёт бўлади.

*Ўзбекистон Республикаси Президенти
Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва
Ўзбекистон халқига Мурожаатномасидан.*

ИЛМИЙ АНЖУМАН

Шаҳрисабз “Темурбеклар мактаби” ҳарбий-академик лицейида “Физика ва математика фанларини ўқитишнинг замонавий усуллари: муаммолар ва ечимлар” мавзусида илмий-амалий анжуман ташкил этилди.



Офлайн ва онлайн тарзда ташкил этилган мазкур конференцияда республикамизнинг етакчи олий таълим муассасалари, ФВВ Академияси профессор-ўқитувчилари, “Темурбеклар мактаби” ҳарбий-академик лицейлари ҳамда умумтаълим мактабларининг физика-математика фани ўқитувчилари, илмий жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.

Тадбирда Самарқанд давлат университидан физика-математика фанлари доктори, профессор Облокул Қувондиқов, Шаҳрисабз давлат педагогика институтидан педагогика фанлари доктори Абдукаҳор Ғаниев, Ўзбекистон Республикаси ФВВ Академияси кафедра бошлиғи, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент Дадахон Насриддиновларнинг аниқ фанларни ўқитишда

инновацион методлардан фойдаланиш самаралари, Учинчи Ренессанс даврида таълим трансформацияси, лаборатория машғулотларида робототехника элементларидан фойдаланишни такомиллаштириш масалалари бўйича илмий маърузалари тингланди.

Конференция мактаб ва ҳарбий-академик лицейлар ўқувчиларини халқаро фан олимпиадаларига тайёрлаш, янгича дарсликлар яратиш, мустақил мисол ва масалалар ечиш бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқиш ҳақидаги баҳс-мунозараларга бой бўлди.

Зиядулла КЕНЖАЕВ,
Шаҳрисабз “Темурбеклар мактаби”
ҳарбий-академик лицейи
ўқитувчиси.



В Правилах дорожного движения «Пассажир» это: лицо, кроме водителя, находящееся в транспортном средстве, а также лицо, которое входит в транспортное средство или выходит из транспортного средства. Значит пассажиром пешеход становится не тогда, когда он вошел в автобус или другое транспортное средство, а в тот момент, когда он решил это сделать и начал движение в сторону двери автобуса. Таким образом, если мы пользуемся каким – либо видом транспорта, мы являемся пассажирами.

ПРАВИЛА БЕЗОПАСНОГО ПОВЕДЕНИЯ ПАССАЖИРОВ В ГОРОДСКОМ ТРАНСПОРТЕ

Многие думают: «Правила дорожного движения касаются водителей и пешеходов. А я – пассажир, меня везут, значит, за меня отвечает водитель». На самом деле от пассажиров также зависит безопасность на дорогах, и в Правилах дорожного движения есть раздел, определяющий обязанности пассажиров.

– Когда к остановке подошел автобус, троллейбус или трамвай, ведите себя спокойно – не суетитесь, не толкайтесь. Подходите к двери только после полной остановки транспорта. Не стойте перед дверьми, пропустите выходящих пассажиров.

– Войдя в транспортное средство, не задерживайтесь около дверей и на площадке, пройдите в салон. В салоне держитесь за поручни, чтобы не получить ушибов при возможном резком торможении.

– Опасно открывать двери до полной остановки автобуса, потому что из нее могут выпасть на ходу пассажиры.

– Не прислоняйтесь к дверям: они могут открыться на ходу, не высовывайте головы и руки в окна.

– Не стойте на выступающих частях и подножках транспортных средств;

– Не отвлекайте водителя разговорами во время движения.

– Если во время движения возникает опасность столкновения транспортного средства с другим объектом, надо принять устойчивое положение и крепко ухватиться руками за поручни (ремни).

– Определенную угрозу представляют из себя в случае резких остановок и торможений зонты, трости и т.п. предметы с острыми и выступающими краями.

– Небезопасно в идущем транспорте ходить, вместо того чтобы стоять, удерживаясь за поручни, опасно также дремать. В этих случаях человек просто не успевает среагировать на угрозу и падает прежде, чем успевает понять, что с ним происходит.

– Выйдя из общественного транспорта, не останавливайтесь напротив дверей, а отойдите в сторону, чтобы не мешать выходу других пассажиров.

– Помните: нарушая правила пользования общественным транспортом, вы ставите под угрозу и свою жизнь, и жизнь многих пассажиров и прохожих!

Пресс служба МЧС РУз.

МАЗМУНЛИ УЧРАШУВ

Тошкент харбий прокуратураси томонидан Тошкент вилояти Зангиота туманида жойлашган Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги харбий қисмда Тошкент вилояти харбий маъмурий сектор билан ҳамкорликда умумтаълим мактабларидаги чакирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани ўқитувчилари – “Ватан таянчи” болалар ва ўсмирлар харбий ватанпарварлик ҳаракати отряди аъзолари ҳамда ўқувчи-ёшлар иштирокида учрашув ўтказилди.



Унда армияда олиб борилаётган ислохотлар, харбий таълим муассасалари, “Темурбеклар мактаб”лари, у ерда тайёрланадиган мутахассислар, ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги маълумотлар билан иштирокчиларга бағафсил тушунтиришлар берилди.

Тадбирда Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги олий харбий таълим муассасалари, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси, Чирчик Олий танк қўмондонлик муҳандислик билим юрти, Ўзбекистон Республикаси Олий харбий авиация билим юрти, Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа харбий институти, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари харбий тиббиёт

академияси ҳамда “Темурбеклар мактаб”ларида яратилган шароитлар, тахсил олиш тартиблари тўғрисида иштирокчиларга атрофлича тушунтириш бериб ўтилди. Шунингдек, иштирокчиларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб берилди.

Тадбирдан сўнг Тошкент вилояти харбий маъмурий сектор томонидан умумтаълим мактабларига олий харбий таълим муассасалари ҳамда “Темурбеклар мактаб”ларини тарғибот қилувчи журналлар тарқатилди.

Учрашув давомида Мудофаа вазирлиги Махсус-авария тиклаш бошқармасининг “Импульс” харбий ансамбли томонидан концерт дастури намойиш этилди. Харбий қисм, шу билан бирга, Ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа харбий институтида “Очк эшиклар куни” ўтказилиб, иштирокчилар харбийларга яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишдилар.

Алишер ҚУРБОНОВ,
Тошкент харбий прокурорининг
ёрдамчиси, адлия подполковниги.

«МУРУВВАТ УЙИ»ДА

Урганч харбий прокуратураси томонидан Хоразм вилояти Миллий гвардия ходимлари ҳамкорлигида Урганч туманида жойлашган “Мурувват уйи”да хайрия тадбири ўтказилди.



Унда муассасадаги 23 нафар кекса-ёлғиз нуруний ҳолидан хабар олиниб, улар учун байрам дастурхони ёзилди ва совғалар тарқатилди.

Тадбир якунида санъаткорлар томонидан концерт дастури намойиш этилди.

Шунингдек, муассасадаги кекса-ёлғиз нурунийлар учун яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишилиб, мавжуд муаммоларни барга-раф этиш юзасидан амалий ёрдам кўрсатилди.

Ғайрат АТАЖАНОВ,
Урганч харбий прокурорининг
катта ёрдамчиси,
адлия капитани.

Ўзбекистон Республикаси Харбий прокуратураси томонидан 8 январь – Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимлари куни ҳамда 14 январь – Қуролли Кучлар ташкил топганлигинининг 31 йиллиги муносабати билан Қуролли Кучлар давлат музейида тарих, бугун ва келажакни ўзида мужассам этувчи “Уч авлод” учрашуви ташкил этилди.

ТАРИХ, БУГУН ВА КЕЛАЖАК

Унда Республика Харбий прокуратураси органлари фахрийлари, Тошкент шаҳрида жойлашган етакчи олий харбий таълим муассасалари хусусан, Қуролли Кучлар Академияси, Фавкуллода вазиятлар вазирлиги Академияси, Жамоат хавфсизлиги университети курсантлари, “Темурбеклар мактаби” ХАЛ ўқувчилари ҳамда харбий прокуратуранинг ёш прокурор-тергов ходимлари иштирок этдилар.

Тадбир Бош прокурор ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси Харбий прокурори Ботир Қудратходжаев раҳбарлигида ўтказилди.

Мудофаа вазирининг ўринбосари Ҳамдам Қаршиев, прокуратура органларини қўллаб-қувватлаш маркази бошлиғи Ботир Калоновлар ёшлар билан учрашувда ўз фикрларини билдириб, барча прокуратура органлари ходимларини байрам билан қутладилар. Қўтаринки кайфиятда ўтган учрашувда фахрийлар ўз ҳаётий тажрибалари билан ўртоқлашдилар. Сўнгра фахрийлар ва ёшлар “Прокуратура органлари музейи” билан яқиндан танишдилар.

Сардор ЁРМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Харбий прокурорининг
ёрдамчиси, адлия подполковниги.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУСТАҲКАМ ҚАЛҚОНИ

Тошкент харбий прокуратураси томонидан Мудофаа вазирлиги ахборот-коммуникация технологиялари ва алоқа харбий институти, Мудофаа вазирлиги Маънавият ва маърифат маркази ҳамда Зангиота тумани халқ таълими бўлими, туман маънавият бўлими ҳамкорлигида Ғалаба боғи мажмуасида “Миллий армиямиз – Янги Ўзбекистоннинг мустаҳкам қалқонидир” шиори остида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Унга харбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари, бир гуруҳ фахрийлар ҳамда таниқли шоир ва актёрлар, Зангиота туманидаги мактаблар ўқувчи-ёшлари, харбий оркестр ва ансамбль хонандалари жалб қилинди.

Тадбир давомида иқтидорли ўқувчи-ёшлар ўртасида “Менинг армиям – менинг фахрим” мавзусида “Энг яхши тасвирий санъат асари” танлови ҳам ўтказилди. Танлов якунларига кўра, голибликни қўлга киритган ўқувчи-ёшлар диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирландилар.

Тадбир якунида «Импульс» харбий



ансамбли хонандалари томонидан Ватанни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар ижро этилди.

Фаррух САЙСУЛТАНОВ,
Тошкент харбий прокурорининг
ўринбосари, адлия майори.

ЭҲТИЁТСИЗЛИК ОҚИБАТИ

Хар бир ишда қонун-қоида, техника хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя қилиш қўплаб ноҳушликларнинг олдини олади. Бирок, баъзида хизмат вазифасига совуққонлик билан қараётганлар ҳам учраб турибди.

К.А. Яқкарой тумани “Кушбеги” кўчасида жойлашган МЧЖнинг таъсисчиси бўлиб ишлаган. Бу ерда целлофан пакет ишлаб чиқариш учун дастгоҳлар ўрнатилган бўлиб, уларнинг кўпчилиги катта электр токи қучланишида ишлайди. К.А. нинг вазифасига иш сўраб келган фуқаролар билан суҳбат ўтказиш, ишчиларга

техника қоидаларига риоя қилиш юзасидан тушунтиришлар бериш ва уларни ишга қабул қилиш кирган.

2021 йил апрель ойи ўрталарида Б.М. ундан иш сўраб келган ва суҳбатдан кейин у ишга қабул қилинган. Б.М.нинг вазифаси дастгоҳга хом ашё ҳисобланган полиэтилен гранулаларни ўз микдорида со-

либ, тайёр бўлган маҳсулотни дастгоҳдан олиб тахлаш ҳисобланган. Ўша куни Б.М. ишлайдиган дастгоҳ ишламай қолган. У шитдан электр токини ўчириб қўйиб, ишчиларга дастгоҳга тегинмасликни тайинлаган. У дастгоҳни ишлатиш учун кабеллар сотиб олиб келади. Дастгоҳни ишлатиш учун симларни алмаштирмакчи бўлган вақтида электр токи уриш натижасида тан жароҳати олиб, шифохонага олиб борилаётган вақтда вафот этган.

Суд тиббий экспертизаси ва

судга оид техника хавфсизлиги экспертизасининг ҳулосасига кўра бахтсиз ҳодисага сабабчи МЧЖ бошқарувчиси К.А.дир. У меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича иш жойидаги даврий йўриқни қайд этиш дафтарини юритмаган ҳамда ишчилар билан тегишли тартибда суҳбат ўтказмаган. Бунинг натижасида вақтинча синов муддатида ишлаётган бир фуқаро вафот этган.

Судда судланувчи К.А. айбига тўлиқ иқрор бўлиб, енгилроқ жазо тайинлашни сўради. Суд ўз хизмат вазифасини сидқидилдан бажармаганлиги туфайли бахтсиз ҳодиса юзага

келганлигини инобатга олиб, жазо тайинлади. К.А.га иш ҳақининг 20 фоизи микдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузаги ишлари жазоси тайинланди.

Агарда иш жараёнида техника хавфсизлигига риоя қилинганда эди, бундай бахтсиз ҳодиса юз бермаслиги мумкин эди. Хар бир ходим, хар бир масъул иш жараёнида тартиб-қоидага қатъий риоя қилиши керак.

Ҳусанбой ПАРПИЕВ,
жиноят ишлари бўйича
Яқкарой туман судининг
судьяси.

АРМИЯ ВА ХАЛҚ — 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни

БИР ТАҢУ БИР ЖОН!

Сўнги йилларда муҳофа ва хавфсизлик соҳаларида амалга оширилган ислохотлар натижасида “Армия ва халқ – бир тану бир жон!” деган олижаноб гоя ва амалий ҳаракат барча бўғиндаги ҳокимият ва бошқарув идоралари, маҳалла, ёшлар, хотин-қизлар, нурунийлар ташкилотлари, таълим-тарбия муассасалари фаолияти, хусусан, кенг жамоатчилик ҳаётига кириб борди. Ватан ҳимояси Ўзбекистон фуқароларининг нафақат вазифаси, балки шарафли бурчига айланди.

Буни Куролли Кучларимиз нуфузи ва қудратидан ифтихор туяётган ҳарбийлар, муқаддас бурчини ўтаб қайтган ёки хизматга боришга шайланаётган минглаб йигитлар, уларни дуолари билан қўллаётган ота-оналари кексаларимизнинг, сеvimли ёри хизматдан қайтишини интиқ кутаётган мунис опа-сингилларимизнинг, ҳарбий акаларига ўхшаб Ватанга содиқ фарзанд бўлиш иштиёқида униб-ўсаётган ёшларимизнинг қайфиятидан ҳам яққол ҳис қилиш мумкин.

Орда қолган йилда ҳам, қолаверса, байрам муносабати билан эзгу мақсад ва чуқур маъно-мазмун касб этган «Миллий армиямиз — Янги Ўзбекистоннинг мустақкам қалқонидир!» гоёси остида кенг камровли ташкилий, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилган ватанпарварлик ойлигида ҳам ҳарбийларимиз халқимизнинг дарду ташвиши, тинчлиги ва фаровонлиги билан уйғунлиги, фуқароларимизнинг онгу шуурида эса уларга, миллий армиямиз ва ҳарбий хизматга нисбатан чинакам ишонч ҳисси чуқур илдиз отганлиги яна бир қарра намён бўлди. Зеро, мустиқлик аталмиш олий неъматни асраш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз саналади.

Бу борада она-Ватанамиз муҳофааси йўлида фаолият юритаётган Ўзбекистон армияси, унинг сафларида халқи учун садоқат билан хизмат қилаётган ҳарбийларимиз алоҳида эътирофга лойиқ.

Байрам арафасида барчамиз Ватан, халқ ва армия бири-бирига нақадар яқин ва муштарақ эканини ҳар қачонгидан ҳам теран ҳис этмоқдамиз.

Эътибор берадиган бўлсак, охириги йилларда Асосий Қонунимиз меъёрлари асосида ҳарбий соҳага оид қонун ҳужжатлари қайтадан кўриб чиқилиб, армиямизнинг ҳуқуқий мақоми янада мустиқкамланди. Инсон омили энг олий кадрият ҳисобланган давлатимизнинг бошқарув сиёсатидаги мақсад ва вазифаларига мос равишда ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзолари учун имтиёз ва шароитлар, ҳуқуқий қароқатлар қўлаи кенгайтирилиб, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш масаласи устувор даражага кўтарилди.

Куролли Кучларимиз тизимида амалга оширилаётган туб ислохотларда ҳам “Инсон қадрини учун” деган муҳим тамойил марказий ўринга қўйилмоқда.

Ўз навбатида, қонунчилигимизда ҳарбий хизматчиларга хизмат қилиш ва яшаш учун муносиб шароит яратиш, уларни ва оила аъзоларини хизмат уйи билан таъминлаш, турар жойни ижарага олганлик учун ҳар ойлик товон пули тўлаш, уй-жойни хусусийлаштириш, хонадон сотиб олиш учун узок муддатли имтиёзли кредитлар ажратиш, фарзандлари учун олий таълим муассасаларига киришда алоҳида квоталар ажратиш



қаби қатор имтиёзлар ҳамда бунга доир ҳуқуқларни амалга ошириш тартиби тақомиллаштирилди.

Куролли Кучлар Олий Бош Қўмондонини ўтган йили шу сана муносабати билан Ватан ҳимоячиларига йўллаган табригида «... ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари, Куролли Кучларимиз фахрийларини ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилишни қучайтириш борасидаги ишларимизни бундан буён ҳам изчил давом эттирамиз» дея алоҳида таъкидлаганидан ҳам ижтимоий ҳимоя ҳарбий бошқарув сиёсатида ҳам энг устувор вазифа эканини аниқлаш қийин эмас.

Шуни ҳам инобатга олиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси органлари ходимлари бир вақтнинг ўзида ҳам ҳарбий хизматчи, ҳам прокуратура ходими ҳисобланади.

Ҳарбий прокуратура ҳарбий хизматчилари томонидан 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни, касб байрами, яъни 8 январь – Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимлари куни қаторида нишонланади.

Бугунги кунда Республика Ҳарбий прокуратураси органлари мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга ҳамнафас тақомиллаштирилди.

2022 йил 20 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти – Куролли Кучлар Олий Бош Қўмондонини Шавкат Мирзиёевга Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси фаолияти юзасидан ҳисобот тақдим этилди. Унда ҳарбий прокуратура органлари томонидан олиб борилаётган вазифаларнинг мазмун-моҳияти “Инсон қадрини учун” тамойилни рўёбга чиқаришга қаратилганлиги қайд этилди.

Хусусан, ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, уларнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари ҳамда кадр-қимматини самарали ҳимоя қилиш, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ҳамда ҳарбий хизматдан бўшатилган фуқароларни ишга жойлаштиришда ҳарбий бошқарув органлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш, фаолиятни рақамлаштириш орқали ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ва моддий ҳимояси, уй-жой билан таъминлаш, уларни рағбатлантириш ва

интизомий чоралар қўлашнинг қонунчилигини таҳлил қилиб бориш Ҳарбий прокуратура органларининг асосий вазифалари эканлиги таъкидланди.

Қайд этиш лозимки, ҳарбий прокуратура органлари ўз фаолиятини “Куролли Кучларда қонунлар ижроси доимий халқ назоратида” тамойили асосида олиб бориши бўйича янги тартиб жорий этилди. Яъни, бунда аҳоли томонидан ҳарбий прокуратура веб-сайтига таклиф ва мулоҳазалар бериш имкониятини яратиш, аҳоли билан оммавий қабуллар ўтказиш ва муурожаатларни қабул қилиш ҳамда ўтказиладиган ўрганиш ва таҳлилларда муурожаатларда келтирилган вазиларни хал этиш қаби тартиблар йўлга қўйилмоқда.

Шунингдек, ҳарбий хизматчиларга Куролли Кучлар ҳамда бошқа соҳалардаги ислохотлар, қабул қилинаётган қонунчилик ҳужжатлари ва давлат дастурларининг мазмун-моҳиятини тўлақонли етказишга алоҳида эътибор қаратилади. Ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида ҳудудлардаги мактаблар ҳарбий прокуратура идораларига бириктирилиб, “прокурорлик соатлари” ташкил этилади. Бюджет маблағларининг мақсадли сарфланишини таъминлашда электрон платформалар имкониятларидан кенг фойдаланилади. Ҳарбий прокуратура фаолияти рақамлаштирилади.

Тизимда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қўшинларда ҳарбий интизомни барқарор сақлаш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда қонун ҳужжатларининг аниқ ва бир хил ижро этилишини таъминлаш алоҳида аҳамиятга эга. Бу борада ҳарбий прокуратура органлари томонидан Куролли Кучлар қўшинлари қўмондонликлари билан ҳамкорликда ўтган йилда қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ҳарбий прокуратура органлари томонидан 2022 йилда 1200 дан ортиқ прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилган, 308 та ҳужжат қонунга мувофиқлаштирилди, 9500 дан ортиқ шахснинг бузилган ҳуқуқи тикланди.

Куролли Кучларда қурилиш дастурларига киритилган лойиҳа-смета ҳужжат-

лари назорат тартибида кўриб чиқилиб, 24 млрд. сўмдан ортиқ бюджет маблағлари иқтисод қилинишига эришилди.

Ҳарбий прокуратура протестларига асосан судларнинг 10 та қарори қонунга мувофиқлаштирилди. Аввал судланган 6 нафар шахс оқланди.

Ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий билимларини ошириш, ёш авлодни ватанпарварлик, бурчга садоқат ва эл-юрт тақдирига дахлдорлик руҳида тарбиялаш мақсадида ёшлар иштирокида ҳарбий қисм ва муассасаларда “Очиқ эшиклар куни” ва турли анжуманлар, таълим даргоҳлари ва меҳрибонлик уйларида очик мулоқот, ташвиқот ишлари, прокурорлик соати, «Прокурор ва ёшлар» учрашуви қаби 10000 дан ортиқ тадбир ўтказилди.

Бандликка қўмаклашиш мақсадида ўтказилган меҳнат ярмаркаларида ҳарбий хизматчиларнинг ишлаш истагини билдирган 654 нафар оила аъзоси доимий иш билан таъминланди.

Ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, янги қонун ҳужжатлари, қонунчиликка киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар, суд-ҳуқуқ, муҳофа ва хавфсизлик соҳаларидаги ислохотлар моҳиятини тушунтириш учун давлат ҳокимияти вакиллари, Куролли Кучлар таркибидagi вазирлик ва идоралар қўмондонликлари ҳамда кенг жамоатчилик ҳамкорлигида ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари ва чегараолди ҳудудларда яшовчи аҳоли ўртасида мунотазам равишда тарғибот тадбирлари ўтказилди.

Очиқ мулоқот ўтказиш орқали муаммоларни аниқлаб, хал қилиш мақсадида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари, ҳарбий пенсионерлар ва ёшлар ўртасида 100 марта сайёр қабул ўтказилди. Уларда 3471 дан зиёд фуқаро қабул қилинди ва муаммоларини жойида хал қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Ҳарбий прокуратура органлари томонидан ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари, ижтимоий ҳимоясининг таъминланиши алоҳида назоратга олинган. Мазкур йўналишдаги тадбирлар ҳарбий прокуратура органлари томонидан “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” да ҳам жадал давом эттирилади.

Ўз навбатида, Давлатимиз раҳбари 2022 йил 20 декабрда Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига йўллаган Муурожаатномасида таъкидлаганидек, мамлакатимиз муҳофаа салоҳиятини ривожлантириш бўйича ислохотларни, хусусан, Миллий хавфсизликни таъминлаш, Куролли Кучларимиз жанговар салоҳиятини ошириш борасидаги ишларни янги босқичга олиб чиқиш ҳамда ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг она юртга бўлган садоқатини ошириш борасида барча қўшинлар қўмондонликлари, ҳарбий округлар, ҳарбий қўшилма ва тузилмалар, ҳарбий қисм ва муассасалар билан ҳамкорлик янада қучайтирилади.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон армиясида хизмат қилаётган барча ҳарбий хизматчиларни, Куролли Кучларимиз фахрийларини, қолаверса, барча юртдошларимизни Ватан ҳимоячилари куни ҳамда Куролли Кучларимиз ташкил этилганининг 31 йиллиги байрами билан табриқлайман!

Ботир КУДРАТХОДЖАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари –
Ўзбекистон Республикаси
Ҳарбий прокурори.

Farg'ona shaharida favqulodda vaziyatlarning oldini olish hamda yong'in xavfsizligini ta'minlash bo'yicha favqulodda vaziyatlar davlat hududiy quyi tizimlari boshqaruv organlari kuch-vositalarining hamkorligini muvofiqlashtirish maqsadida, shahar FV bo'limi tomonidan saf ko'rigi va yong'in-qutqaruv mashg'uloti o'tkazildi.



MASHG'ULOT

Tadbirida amaliy harakatlari o'quv mashg'uloti rejasiga muvofiq olib borildi. Tadbir yakunida erishilgan yutuqlar bilan birga kamchiliklar ham muhokama qilinib, ularni bartaraf qilish yuzasidan mutasaddilarga ko'rsatmalar berildi.

A. APPONOV,
Farg'ona shahar FV bo'limi bo'linma boshlig'i, kapitan.
Sardor ABBOZOV,
yetakchi mutaxassis.

TIZIMLI TADBILAR

Navoiy viloyati FVB xodimlari tomonidan FVDT xizmatlari bilan hamkorlikda mahallalarda yong'inlar, is gazidan zaharlanish hamda havo-gaz aralashmasining chaqnashi bilan bog'liq favqulodda vaziyatlarning oldini olish bo'yicha tizimli tadbirlar amalga oshirilmoqda.



Tadbirlar davomida iqtisodiyot tarmoqlari, ijtimoiy soha obyektlari, ko'p qavatli uylar hamda savdo va maishiy xizmat ko'rsatish obyektlarida qish mavsumini talafotsiz o'tkazish borasida amaliy ishlar bajarilayapti.

Aholi bilan profilaktik suhbatlar chog'ida yong'in, chaq-

nash, is gazidan zaharlanishga sabab bo'luvchi omillarni joyida bartaraf etish choralari ko'rilib, aholiga zarur tavsiya hamda ko'rsatmalar berilmoqda.

R. TOSHNAZAROV,
Navoiy viloyati FVB
xodimi, mayor.

VATANPARVARLIK OYLI

O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari tashkil etilganligining 31 yilligi hamda Vatan himoyachilari kuni munosabati bilan O'zbekiston yoshlar ittifoqi Qashqadaryo viloyati Kengashi, Buxoro viloyati Kengashi, Janubi-g'arbiy maxsus harbiy okrugi hamda Qashqadaryo viloyati FVB hamkorligida buxorolik 100 nafar yoshlarning bo'sh vaqtlarini mazmunli tashkil etish hamda ularni vatanparvarlik ruhida tarbiyalash maqsadida Qarshi shahri bo'ylab sayohat tashkil etildi.



Bog' hududidagi harbiy texnikalar va muzey eksponatlari yoshlar-da katta taassurot qoldirdi.

Ulug'bek JUMANOV, Qashqadaryo viloyati FVB matbuot xizmati xodimi.

Buxorolik yoshlarning keyingi manzili Qarshi shahrida barpo etilgan "Vatanparvarlar bog'i" bo'ldi. U yerda yoshlar uchun viloyat FVB xodimlari tomonidan qutqaruv jihozlari namoyishi etildi va harbiy orkestr jamoasi tomonidan konsert dasturlari tashkil etildi.

NAZARIY SABOQ

"LUOK" MCHJ OYHTTEM Qashqadaryo viloyatidagi obyektlarning yong'in xavfsizligini ta'minlashni tashkil etish bo'limi profilaktika va nazorat bo'linmasi inspektorlari tomonidan "LUOK" MCHJ "His-sor" NGQCH muhandis-texnik ishchi-xodimlari ishtirokida mashg'ulotlar o'tkazildi.

Mashg'ulot davomida O'zbekiston Respublikasi "Yong'in xavfsizligi to'g'risida"gi qonunining mazmun-mohiyati va sohaga oid mavzular yuzasidan tushuntirish ishlari olib borildi.

Tadbir yakunida ishtirokchilarga mavzuga oid ko'rgazmali materiallar tarqatildi.

S. HAMIDOV, "LUOK" MCHJ OYHTTEM Qashqadaryo viloyati OYHTTEB P va NB inspektori, kapitan.



Tuproqkal'ya tumani FV b'limi tomonidan aholi yashash joylarida favqulodda vaziyatlar-ninng oldini olishga alohida e'tibor berilmoqda.

ЭЪТИБОРСИЗ БЎЛМАНГ!

Xususan, tumandagi korxonalar va tashkilotlarda ishchi-xizmat-chilar bilan uchrashuvlar o'tkazilib, e'ngin xavfsizligi ko'ndalari-ga rioya qilinib yuzasidan tushuntirishlar berilmoqda.

Qurilishlar davlat andozalari va bosha me'yoriy texnik talablarga mos ravishda olib borilayotganligi, e'ngin qarshi chora-tadbirlar nazorat qilib borilmoqda. Yangi qurilayotgan obyektlarda e'ngin xavfsizligi ko'ndalari-ga amal qilinishini ta'minlash maqsadida gaz va elektr pайvандчилари bilan i'uriq-nomalarni o'tkazilayapti. Shuningdek, belgilangan tadbirlar reja-siga asosan so'ha xodimlari tomonidan kichik biznes va xususiy tadbirkorlik sub'ektlari hamda ularning bino va inshootlari, mol-mulki e'nginlardan asrash maqsadida bir qator profilaktik tadbirlar amalga oshirib kelinmoqda.

Самандар САМАНДАРОВ,
Тупроққал'я тумани FV b'limi b'linma boshlig'i,
капта лейтенант.

ИЛМ ИСТАСАНГ, ТАКРОП ҚИЛ!

FVB Академияси-да республикамиз ху-дудларида жойлашган FVBлар инспекторлари учун малака ошириш ташкил қилинди.

15 кунлик ўқув доирасида академиянинг профессорлари ва кафедра ўқитувчилари томонидан назарий машғулотлар ўтилиб, e'nginларнинг oldini olish, ishlab chikarish soha-larida e'nginlarni uchi-rishni tashkil-lashtirish, hujjatlar yuritish tartibi, qurilishda e'ngin xavfsizligini ta'min-lash va e'ngin avtomatika-si b'uy-ich-bilimlari u'rganildi.

Malaka oshirish ya-kunida imtihonlar tashkil qilin-di va shunga ku-ra, har bir inspektor FVB Akademiyasi sertifikat-lari bilan taqdirlandi.

О. ОТАМУРОДОВ,
Ўзбекистон МТРК Медиа-маркази ДМ ЁХТТЭБ
b'linma inspektori,
капитан.

REJAGA ASOSAN

Farg'ona viloyati FVB va uning quyi tizimlarida xizmat qilib kelayotgan harbiy xizmatchilar bilan huquqbuzarliklar va qonun buzilish holatlarining oldini olish, harbiy xizmatchilarning huquqiy ongi va ma-daniyatini oshirishga qaratilgan chora-tadbirlar rejasiga muvofiq targ'ibot tadbiri o'tkazildi.



Yig'ilishda shaxsiy tarkibga harbiy intizomni mustahkamlash, huquqbuzarliklar va qonun buzi-lish holatlarining oldini olish, ichki tartib-qoidalariga rioya etish, jamoada sog'lom muhitni shakl-lantirish masalalari bo'yicha zarur tushunchalar yetkazildi.

Tadbirida ishtirok etgan mas'ullar tomonidan harbiy xiz-matchilarga o'z xizmat vazifalari-ni vijdonan va samarali bajarish,

Buxoro neftni kайта ish-lash zavodi hududida e'ngin-ga qarshi targ'ibot-tashviqot ish-lari doimiy tarzda olib borilmoqda.

ПРОФИЛАКТИКА

Завод цехларининг e'ngin xavfsizligi holati komissiya-lar tekshiruvlari davomida u'rganib borilmoqda. Bunda asosiy e'tibor obyektlar-ninng bir-lamchi e'ngin uchi-rish vosi-talari bilan ta'minlanganligi, avtomatik e'ngin uchi-rish va e'ngin-dan darak beri-sh tizim-lari, neft-ga mahsulotlari sigim-larini suv bilan sovu-tish va ku-pik bilan uchi-rish qurilma-lari, e'ngin-ga qarshi suv ta'mi-noti manbalari, e'ngin-ga qar-shi gidrantlar, suv havzalari, ichki va tashki e'ngin uchi-rish ju-mraklarin-ninng doimiy soz-li-giga karatilmoqda.

E'nginlar xavfining oli-dini olish maqsadida, avto va va-gonchisternalarga suyultiri-lgan uglevodod gaz-i hamda gaz kondensatini yu-k-lash hamda tu-shirish ish-lari iklim sha-roitlaridan ke-lib chikib, hiz-mat ku-rsatuvchi xodimlar-ninng nazorati ostida amalga oshir-ilmokda. Nazorat tadbirlari davomida e'ni-sh-port-lash xav-fi yu-kori bu-lgan obyektlarda e'ngin xavfsizligini ta'min-lash va kish mavsumida ba-jari-lishi lozim bu-lgan ish-lar bu-yicha mu-xandis-texnik xodim-larga ku-rsatmalar berildi.

Мухаммад ҚОДИРОВ,
Бухоро вилояти FVB
БНҚИЗ БЎХТТЭБ
инспектори, капитан.

REJAGA ASOSAN

Farg'ona viloyati FVB va uning quyi tizimlarida xizmat qilib kelayotgan harbiy xizmatchilar bilan huquqbuzarliklar va qonun buzilish holatlarining oldini olish, harbiy xizmatchilarning huquqiy ongi va ma-daniyatini oshirishga qaratilgan chora-tadbirlar rejasiga muvofiq targ'ibot tadbiri o'tkazildi.



Yig'ilishda shaxsiy tarkibga harbiy intizomni mustahkamlash, huquqbuzarliklar va qonun buzi-lish holatlarining oldini olish, ichki tartib-qoidalariga rioya etish, jamoada sog'lom muhitni shakl-lantirish masalalari bo'yicha zarur tushunchalar yetkazildi.

Tadbirida ishtirok etgan mas'ullar tomonidan harbiy xiz-matchilarga o'z xizmat vazifalari-ni vijdonan va samarali bajarish,

REJAGA ASOSAN

Farg'ona viloyati FVB va uning quyi tizimlarida xizmat qilib kelayotgan harbiy xizmatchilar bilan huquqbuzarliklar va qonun buzilish holatlarining oldini olish, harbiy xizmatchilarning huquqiy ongi va ma-daniyatini oshirishga qaratilgan chora-tadbirlar rejasiga muvofiq targ'ibot tadbiri o'tkazildi.



pora olish, pora berish, davlat xiz-matlarida mansab suiiste'molin-ing oldini olish, turli xildagi tavak-kalchilikka asoslangan bukme-kerlik o'yinlarini o'ynamaslik to'g'risida ham atroflicha tushun-tirish va ogohlantirishlar berib o'tildi.

G'UMURBEKOV,
Farg'ona viloyati FVB
shaxsiy xavfsizlik bo'limi
boshlig'i, podpolkovnik.

FVV Muhandislik muhofaza va qurilish-tiklash ishlari bosh boshqarmasi Maxsus muhandislik-qurilish boshqarmasi shaxsiy tarkibi va vazirlik tizimidan nafaqaga chiqqan faxriylar – podpolkovnik Y.Djurayev va podpolkovnik R.Niyazovlar ishtirokida yosh harbiy xizmatchilar hamda o'quvchi-yoshlar ishtirokida "Uch avlod uchrashuvi" tadbiri bo'lib o'tdi.

UCH AVLOD UCHRASHUVI



Uchrashuv davomida faxriylar o'z mashaqqatli va sharafli xizmat faoliyati to'g'risida so'z olib borib, hozirda harbiy xizmatchilarga yartailayotgan shart-sharoitlar haqida qisqacha ma'lumotlar berib o'tdilar.

Tadbir yakunida faxriylar tomonidan muddatli harbiy xizmatchi va o'quvchi-yoshlarga esdalik sovg'alar topshirildi.

Sh.AHMADALIYEV,
Tarbiyaviy va mafkuraviy ishlar bo'limi boshlig'i, kapitan.

I.KAJANOV,
OAV bilan ishlash bo'yicha katta texnik, oddiy askar.

KUNIKMALAR OSHIRILDI

FVB Akademiyasi xuzuridagi Boшлангич тайёргарлик va mалака oshirish markazida vazirlik tizimidagi харбийлаштирилган ёнгин-кутқарув қисмига янги қабул қилинган ёш кутқарувчилар таркиби билан рухий тайёргарлик йўлагида амалий машғулотни ўтказилди.

Машғулот давомида ёш харбийлар рухий тайёргарлик йўлакчаси ҳамда ўқув минорасида белгиланган вазифаларни тизимдаги мавжуд нафас олишга яроқсиз бўлган муҳитда фойдаланиладиган химоя аппаратларини таққан ҳолатда бажардилар.

Амалий машғулот якуни бўйича муҳокамалар ташкил қилиниб, ҳар бир тингловчининг бажарган иши баҳолаб

борилди. Тадбир давомида тингловчилар томонидан йўл қўйилган ҳато ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Жасур ХОЛМУРОДОВ,
FVB Академияси хузуридagi БТВАМОМ маркази цикл ўқитувчиси, майор.

Ворис РАҲМОНОВ,
марказ цикл ўқитувчиси, капитан.



РАҚАМЛАШТИРИШ

2022 йилнинг 17 ноябрь кунини Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қурилиш лойиҳаларининг амалга оширишда назорат механизмларининг такомиллаштириш, жараённинг очиқлиги ва шаффофлигининг янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Мазкур қарорга кўра, 2023 йил 1 январдан тегишли давлат дастурлари ва лойиҳалари доирасида объектларнинг бош лойиҳа-кидирув ва бош қурилиш-пудрат ташкилотлари «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизимида электрон тендер (танлов) савдолари орқали аниқланади.

Ҳоким ёрдамчиси, маҳалла фаоллари ва ёшлар етакчилари, оммавий ахборот воситалари ва бошқа жамоат ташкилотлари томонидан ҳудудларда амалга оширилаётган ишларнинг ҳолати устидан жамоатчилик назорати ўрнатилади.

Ҳар чоракда вилоят, туман (шаҳар) прокурорлари ва

уларга тенглаштирилган прокурорлар томонидан қурилиш соҳасида коррупция ва қонун бузилиши ҳолатларининг олдини олиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида кенг жамоатчиликка ахборот бериб борилиши таъминланади.

Шунингдек, қарорга кўра, «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизимининг мобил иловасини яратиш ҳам кўзда тутилган.

Ҳамидулло ЮЛДАШЕВ,
Наманган вилояти FVB НТБ бошлиғи, майор.

Иброҳимжон КАРИМОВ,
бошқарма инспектори, капитан.

Бугунги кунда Фавқулодда вазиятлар вазири ва Наманган вилояти FVB бошлиғининг моддий-техник таъминот ҳамда автотранспорт воситаларидан фойдаланиш, таъмирлаш, уларни ҳисобдан чиқариш бўйича ишлаб чиқилган буйруқ талаблари ижроси юзасидан бошқарма техник ишлаб чиқариш маркази ходимлари томонидан қатор тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

ИШ ҚУРОЛИНГ СОЗ БЎЛСА...



Бошқарма тасарруфидаги автотранспорт воситаларининг деярли 70% фойдаланиш муддатини ўтаб бўлганига қарамай, уларга техник хизмат кўрсатиш, аниқланган нуқсонларни барвақт аниқлаш ҳамда бартараф этиш юзасидан амалий ишлар бажарилди.

Бунга мисол тариқасида, ўтган давр мобайнида 10 та ёнгин ўчириш, 10 та енгил тезкор, 4 та махсус техникага хизмат кўрсатилиб, соз ҳолатга келтирилган.

Шу ўринда, вилоятнинг сувсиз ҳудудларида содир бўлиши мумкин бўлган ёнгинларни қисқа муддатларда бартараф этиш мақсадида, бошқарманинг 4 та махсус автотранспорт воситаси сув ташиш автотранспортига ўзгартирилиб, Наманган шаҳар, Чуст, Мингбулоқ туманларининг ёнгин-кутқарув қисмларига ажратилди.

Халқимизда "Иш қуролинг соз бўлса, машаққатнинг оз бўлур", деган нақл бежизга айтилмаган. Шундан келиб чиққан ҳолда, ҳозирда бу каби тадбирлар изчил давом эттирилмоқда.

Қаҳрамон САТТОРОВ,
Наманган вилояти FVB OAV ва ЖТБХҚГ бошлиғи, капитан.

Farg'ona viloyati FVB va uning quyidagi tizimlari hamda hamkor tashkilotlardan tuzilgan ishchi guruhlar tomonidan viloyat hududidagi aholi yashash xonadonlari, ijtimoiy soha obyektlari va aholi gavjum maskanlarda is gazidan zaharlanish, havogaz aralashmasining chaqnashi, yong'inlar, shuningdek, qish mavsumida yuzaga kelishi mumkin bo'lgan favqulodda vaziyatlarning oldini olish maqsadida profilaktik tadbirlar doimiy olib borilmoqda.

Fuqarolarga qish mavsumida isitish moslamalaridan xavfsizlik

DOIMIY NAZORAT



qoidalariga rioya etgan holda foydalanish bo'yicha ko'rsatmalar berilib, aniqlangan kamchiliklar tegishli soha mutaxassislari tomonidan joyida bartaraf etilyapti.

Ahliidin ALIJONOV,
Farg'ona viloyati FVB OAV va JTBHQG boshlig'i, katta leytenant.

SARXISOB

Сергели тумани FVB бўлими ходимлари томонидан аҳоли ва ҳудудларни ёнгинлар, фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш юзасидан қатор тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Тадбирлар давомида 157 та давлат тасарруфидаги ва 8 та тадбиркорлик субъектлари объектларида амалдаги қонунлар асосида ёнгин хавфсизлиги ҳолати юзасидан ўрганишлар ўтказилди ҳамда 165 та тадбиркорлик объектларида ёнгин профилактика кўриклари ўтказилди. Ўтказилган ёнгин техник текшируви ва профилактика кўриклари давомида аниқланган 3072 та камчиликдан 2907 тасини (89%) бартараф этишга эришилди.

"Ёнгин хавфсизлиги ойлиги" давомида жами 1463 та 25875 нафар фуқаро ва ишчи-ҳодимлар иштирокида ёнгин хавфсизлигига оид учрашувлар ўтказилди.

Объектларда фавқулодда вазият ёки ёнгин содир бўлганда ҳаракатланиш тартиби бўйича 28 та амалий машқ ва машғулотлар ташкил этилди. Одамлар гавжум бўладиган жойларда 17 мартаба ёнгин ўчириш техникаларининг намоёнлиги ўтказилди.

"Хонадонбай" ишлаш тартибида тумандаги 615 та кўп қаватли турар жойлардаги 22954 та хонадон ҳамда 11462 та яқка тартибдаги уйларнинг ёнгинга қарши ҳолати кўриб чиқилди. Аҳоли турар жойларини текшириш даврида аниқланган 317 та ёнгинга қарши камчиликдан 303 тасини (96%)ни бартараф этишга эришилди.

Тадбирлар давомида аниқланган ёнгинга қарши камчилик ва муаммолар юзасидан туман ҳокимлиги ва юқори турувчи органларга 36 та ахборотнома ҳамда газ, электр, дудбурон хавфсизлиги қорхонаси ва маҳаллаларга 19 та тақдимнома киритилди.

Ҳозирда ушбу тадбирлар давом эттирилмоқда.

Абдурашид ТЎРАХОНОВ,
Сергели тумани FVB бўлими бошлиғи, подполковник.

YONG'IN XAVFSIZLIGI

Qurilish obyektlarida ishlab chiqarish, ombor va yordamchi bino va inshootlarni joylashtirish qurilish bosh rejasiga mos bo'lishi shart.

Yonuvchi qurilish materiallarini yong'inga qarshi oraliqlarda saqlash taqiqlanadi.

Yonuvchi qurilish materiallari va buyumlari, shuningdek, yonuvchi qadoqlardagi asbob-uskunalar va yuklarni ochiq maydonlarda saqlashda ular maydoni 100 m² dan va balandligi 2,5 m-dan ko'p bo'lmagan shtabellar yoki guruhlarda joylashtirilishi kerak.

Maydoni 2 va undan ortiq gektarga teng qurilish hududida kamida ikkita qarama-qarshi tashkil etilgan kirish joylari bo'lishi shart. Yo'llar yilning barcha fasllarida yong'in-qutqaruv avtomobillari o'tishi uchun qattiq qoplamaga ega bo'lishi lozim.

Kirish joyining eni 4 m.dan kam bo'lmasligi kerak.

Qurilish maydoniga kirish joyida qurilayotgan va yordamchi bino va inshootlar, kirish yo'llari, suv manbalari, yong'in o'chirish va aloqa vositalarining joylashuvi, ularga olib boruvchi yo'l va yo'lkalar ko'rsatilgan yong'inga qarshi rejalari o'rnatilishi shart.

Shtabellar hamda qurilayotgan va vaqtinchalik binolargacha inshootlar yong'inga qarshi oraliqlar 18 m.dan kam bo'lmasligi kerak.

R.QADAMBOYEV,
Xonqa tumani FV bo'limi
NTB boshlig'i, katta leytenant.

ҚАРОР ВА ИЖРО

Бугун кишлоқларда ҳам кўркам, барча шарт-шароитларга эга уй-жойлар қурилади. Уларда ички ва ташқи маданий-маиший талабларни қондиришга мўлжалланган жиҳозлар, газ ва электр тармоқлари орқали ишлайдиган ускуналар барпо этилмоқда. Бу эса ўз навбатида ушбу ускуналарни тўғри ва тегишли қондаларга риоя қилган ҳолда ўрнатиш, бинолар қурилиши бошланмай туриб, хавфсизлик қондалари талабларини эътиборга олган ҳолда иш тутиш талаб этилади.

Иморат қурилишини бошлаш чоғида биноларда ёнғинга қарши оралик масофани сақлаш, йўлнинг мумкин қадар кенг бўлишини таъминлаш биринчи талаблардан саналади. Биноларда ёнғинга қарши тўсиқлар барпо этилиши, қурилиш ашёлари, том ва том ёпмаларини тўғри танлаш, иншоотларнинг ёнғинга бардошлилик даражаси ва хоналарда тутун ҳайдовчи тизимни эътиборга олиш лозим.

Шерали НОСИРОВ,
Уйчи тумани ФВ бўлими NTB бoshлиғи, капитан.

БОЁВУТДА ТАРҒИБОТ

Аҳоли ва ҳудудларни ёнғинлар ва бошқа турдаги фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш мақсадида Боёвут туманида ташкил этилган ишчи гуруҳ томонидан "хонадонбай" ишлаш кесимида профилактик ўрганиш тадбирлари олиб борилмоқда.



Тадбирлар жараёнида аҳолининг газ ва электр иситиш мосламаларидан фойдаланиш ҳолати, мавжуд талаб ва қондаларга риоя этишга эътибор қаратилди. Ўрганиш ишлари олиб борилган хонадон эгаларига алоҳида тушунтиришлар берилиб, зарурий эслатма материаллари тарқатилди. Шунинг баробарида мутасадди ташкилотларни жалб қилган ҳолда

ёнғинлар ва ис газидан заҳарланишга сабаб бўлувчи ҳолатлар баргараф этилди.

Эркин ПАРДАБОЕВ,
Боёвут тумани ФВ бўлими
бoshлиғи, подполковник.

Аброр АБДУКАРИМОВ,
РКТБМТЭБ бўлими
бoshлиғи, лейтенант.

Совуқ кунларда аҳолининг иссиқликка бўлган талаби ортишини инобатга олган ҳолда, ушбу мавсумда ёнғинлар билан боғлиқ фавқулодда вазиятлар содир бўлиши эҳтимоли ортади. Бунга кўп ҳолларда аҳоли хонадонларида носоз ва ностандарт иситиш мосламаларидан фойдаланиш, хавфсизлик қондаларига риоя қилмаслик ва эътиборсизлик сабаб бўлади.

ДОЛЗАРЪ ВАЗИФА



Қиш мавсумида ана шундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида, Сирдарё вилояти ҳокимлиги, Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан иситиш мавсумини беталафот ўтказишга масъул ташкилотлар ходимлари иштирокида профилактик тадбирлар давом эттирилмоқда.

Ҳар бир хонадонга қирилган ҳолда аниқланган қоида бузилиш ҳолатлари баргараф этилмоқда. Шу билан бирга, хонадон эгаларига қўшимча тушунтириш ва йўриқномалар берилмоқда.

Давронбек СУЛАЙМОНОВ,
Сирдарё вилояти ФВБ ахборот хизмати
бoshлиғи, катта лейтенант.
Сардорбек ШЕРМАТОВ,
Оқолтин тумани ФВ бўлими NTB бoshлиғи,
катта лейтенант.

МЎРИКОНИНГИЗ СОЗМИ?

Жойлардаги ёнғинга қарши кураш жамиятлари зиммасига корхона, ташкилот ва муассасаларда кенг қамровли тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш, масканларни ёнғинга қарши қалқонлар, бирламчи ёнғин ўчириш воситалари билан таъминлаш, шунингдек, аҳоли хонадонларидаги иситиш печларининг меъёрий талабларга қай даражада мослигини назорат қилиш вазифаси юкланган.



Айниқса, янги қуриладиган печларнинг талаб даражасида бўлишини текшириб, махсус далолатномалар тузиш мазкур жамиятнинг бевосита вазифасидир. Жойлардаги газ таъминоти идоралари жамият мутахассисларининг далолатномаларига асосланган ҳолда тармоққа уланиш

учун рұхсат беришлари керак. Афсуски, шахримизда иситиш печларини мўриконларидан ёнғин ходисалари содир бўлиш ҳолатлари тобора ортиб бормоқда.

Мўрикон ёки дудбуроннинг томдаги ёғоч тўсинлар билан оралик масофаси 38 см.дан қисқа бўлиши ёнғин келиб чиқиш хавфини кучайтиради. Шунингдек, шифер ва унинг остидаги ёғоч қурималар билан мўрикон оралиги ҳам талаб қилинган даражада, яъни 13 см.дан кам бўлмаслиги лозим. Мўрининг юқори қисми шифернинг устидан 0,6 метр кўтарилиши лозим.

Мўрининг шифер устига чиқарилмаслиги ёки ён томондан ташқарига чиқариб юборилиши ҳам хавфли бўлиб, ёнғин келиб чиқишига сабаб бўлади.

Шундай экан, ҳар донм мўриконларимизнинг созланишига эътибор қаратишимиз, уларнинг созланиши мутахассислар кўригидан ўтказиб туришимиз ўзимиз ва яқинларимизнинг хавфсизлигини таъминлашда асосий омиллардан бўлади.

Мирғолим КАРИМОВ,
Наманган шаҳар ФВ бўлими инспектори,
катта лейтенант.

ҚУРИЛИШДА ХАВФСИЗЛИК

Уйчи туманида янги қуриладиган кўп қаватли бино ва иншоотларда ишчи-ҳодимлар учун туман ФВБ ходимлари томонидан техника ва ёнғин хавфсизлиги тўғрисида қундалик тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.



Қурилиш давом этаётган бино ва иншоотларнинг майдонларида, шунингдек, қурилиш-монтаж ишларида ёнғин хавфсизлигига тегишли қондаларга амал қилиш орқали таъминланиши тушунтирилмоқда.

Бу ҳақда гап кетар экан, биринчи навбатда барча ишчи-ҳодимлар техника қондаларига риоя қилган ҳолда махсус кийим-бошлар билан таъминланиши, қурилиш майдонларида пайвандлаш ишларини махсус гувоҳномага эга бўлган ишчилар олиб бориши, қурилиш майдонларини ёнғинга қарши қалқон ҳамда бирламчи ёнғин ўчириш воситалари билан таъминлаш, носоз ҳолдаги электр тармоқларидан, ишчилар хонасида ностандарт электр иситиш мосламаларидан фойдаланмаслик, газ тўлдирилган баллонлар сони 50 дан ортиқ бўлмаган ҳолда махсус омборхонада ёки кўёш нури тик тушмайдиган бостирма остида сақланиши керак.

Тўлдирилган баллонлар тик ҳолда сақланиши лозим. Улар махсус катаклар ёки уяларга ўрнатилади ва камар, занжир ёки қисқичлар билан маҳкамланади, кислород баллонларидан фойдаланиш, уларни сақлаш ва кўчиришда баллон ҳамда шланглар мой ва мойли материалларга тегиб кетмаслиги чоралари кўрилиши ва шу каби бир қатор хавфсизлик чораларига риоя қилиниши керак.

Айни қондаларга амал қилар эканмиз, қурилиш ва бунёдкорлик ишларининг самарали ва хавфсиз бўлишини таъминлаган бўламиз, албатта.

Ш.НОСИРОВ, Уйчи тумани ФВ бўлими NTB бoshлиғи, капитан.

MUHIM TALAB

Shovot tumani qurilayotgan 4 ta bir qavatli turar joy binosida ishlayotgan jami 92 ta quruvchi va ishchi-xodimlar bilan qurilish ishlarini olib borish jarayonida yong'in xavfsizligini ta'minlashga doir profilaktik tadbirlar amalga oshirilib, 8 xil turdagi 30 dona eslatma materillari tarqatildi.

Qurilishlarda xavfsizlikni ta'minlash, quruvchilarning hayoti va sog'lig'ini muhofaza qilish hamda favqulodda vaziyatlarning oldini olish, yong'in xavfsizligini ta'minlash muhim e'tibor qaratilmoqda.

Hozirgi vaqtda yong'in xavfsizligi talablari turli me'yoriy hujjatlar – davlat standartlarida, qurilish va shaharsozlik me'yorlari va qoidalari, yong'in xavfsizligi me'yorlari va qoidalari, tarmoqli me'yoriy manbalar va me'yoriy manbalarning boshqa turlarida o'z ifodasini topgan bo'lib, ularga qat'iy amal qilish lozim.

Dilshodbek POLVONOV,
Shovot tumani FV bo'limi bo'linma
boshlig'i, leytenant.

Navoiy viloyati FVB xodimlari tomonidan mutasaddi tashkilotlar hamkorligida qish mavsumini betalafot o'tkazish, favqulodda vaziyatlar va ko'ngilsiz hodisalarning oldini olish bo'yicha kun-u tun tartibda tizimli profilaktik tadbirlar tashkil etilmoqda.

O'rganish va targ'ibot tadbirlari ijtimoiy-iqtisodiy soha obyektlari, bozorlar, savdo majmualari, qurilish obyektlari hamda tun-

da insonlar qoladigan maskanlarda o'tkazilmoqda.

Tadbirlar davomida aniqlangan kamchiliklarni joyida bartaraf etish choralari ko'rib, fuqarolarga zarur tushuntirish, yo'riqnoma va tavsiyalar berilmoqda.

O'RGANISH



R.TOSHNAZAROV, Navoiy viloyati FVB xodimi, mayor.

ИС ГАЗИ ҚУРБОНИ БЎЛМАНГ!

Янги қурилган объекtlардан узок йиллар давомида халқимиз манфаати, фаровонлиги йўлида ёнгин хавфсизлиги таъминланган ҳолда самарали фойдаланиш лозим. Шундай экан, шаҳарсозлик соҳасида қурилиш объекtlари учун ер майдонларини ажратиш давридан қурилиш ишлари тугалланиб, ишга туширилгунига қадар Давлат ёнгин назоратининг шаҳарсозлик соҳасидаги фаолиятини ташкил этиш лозим.

Қурилиш ишларини олиб бориш учун ушбу йўналишда фаолият юритаётган ходимлардан қурилишлар учун ер майдонларини танлаш ва қурилиш ишлари тугалланган объекtlарни фойдаланишга қабул қилиш комиссиялари таркибида шаҳарсозлик соҳасида қонун-ости ва норматив ҳужжатларда белгиланган ёнгинга қарши талабларни мукамал билиш талаб этилади.

Ёнгинга қарши чора-тадбирларни белгилашда объекtlарнинг ёнгин хавфсизлиги жиҳатдан тоифаларга ажрати-лиши, ёнгиндан сақлаш оралик масофаларнинг белгиланиши, асосий шамол йўналиши, жой рельефининг ҳисобга олиниши ва яна қатор талабларга амал қилиш зарур.

Зеро, қондаларга тўла амал қилинган ҳолатдагина мустаҳкам, мукамал бинолар қурилади. Бу эса ёнгин хавфини баргараф этиш йўлидаги дастлабки пойдевор ҳисобланади.

Қ.УЗОҚОВ,
Пахтабод тумани ФВ бўлими бўлинма бошлиғи, капитан.

ТОПШИРІҚЛАР ИЖРОСИ АМАЛДА

Қуйичирчиқ тумани ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Т.А.Худайбергенов раҳбарлигида туманда аҳолининг долзарб муаммоларини ҳал этиш, қиш мавсумини беталафот ўтказиш, маҳаллалар инфратузилмаларини яхшилаш ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш тadbirlарига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Топшириқ ва қўрсатмаларга асосан секторлар кесимида ишлар ташкиллаштирилди. Жумладан, “Балиқчи” МФЙ ҳудудида 2.8 км, “Тўқбой” МФЙ ҳудудида 1.9 км, “Гул” МФЙ ҳудудида 3.1 км, “Абай” МФЙ ҳудудида 4.1 км, “Ўжакент” МФЙ ҳудудида 2.7 км, “Жумагул” МФЙ ҳудудида 2.8 км. ва яна қатор МФЙлар ҳудудларида, жами 33.7 км. масофадаги ички йўллари шағаллаштириш ишлари олиб борилди.

А.БАЙМЕНОВ, Қуйичирчиқ тумани ФВ бўлими бошлиғи, подполковник.

У.ЖЎРАЕВ, Қуйичирчиқ тумани ФВ бўлими ФВДТ ва ФМ бошлиғи, капитан.

Ҳозирда соҳа хodimlari tomonidan aholi yashash xonadonlarida, odamlar ko'p to'planadigan maskanlarda, shahar va tumanlarda yong'in o'chirish mashinalarida ovoz kuchaytirgichlar yordamida profilaktik tadbirlar orqali fuqarolarga favqulodda vaziyatlarning oldini olish borasida tavsiyalar berilmoqda.

HUSHYORLIKNI OSHIRAYLIK!



qoidalarga beparvolik bilan qaramaslik, o'z yashash xonadonlarining isitish qurilmalarining sozligi, dudburon mo'rikonlarining tozaligi hamda elektr va gaz jihozlaridan oqilona va hushyor foydalanish lozimligi ta'kidlandi.

Shahboz BOBOMURODOV,
Qashqadaryo viloyati FVB matbuot xizmati xodimi, oddiy askar.

Xususan, gaz qurilmalarining e'tiborsiz qoldirilishi, gaz va havo aralashmasining chaqnashi, yong'inlar kabi noxush holatlar. sovuq ob-havo sharoitida zarur

МАҲАЛЛАЛАР КЕСИМИДА

2023 йилнинг илк кунларидан бошлаб, соҳа хodimlari tomonidan маҳаллаларда уйма-уй юрилиб, ис газидан захарланиш, ёнгин ҳолатлари ва бошқа фавқулдда вазиятларнинг олдини олиш тadbirlари мунтазам равишда олиб борилмоқда. Шундай тadbirlардан бири Самарқанд шаҳридаги “Сўғдиёна” маҳалласида бўлиб ўтди.

Мазкур маҳаллада 1100 дан ортиқ фуқаро истиқомат қилиб, уларга фавқулдда вазиятлар билан боғлиқ ҳолатларни баргараф этишда зарур тушунча ва тавсиялар берилди.



Бундан ташқари, маҳаллада доимий равишда Фавқулдда вазиятлар бошқармаси профилактика инспектори, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси ҳамда ҳоким ёрдамчиси билан ҳамкорликда фавқулдда вазиятларнинг олдини олиш юзасидан тарғибот тadbirlари давом эттирилмоқда.

Самарқанд вилояти ФВБ томонидан бугунги кунда кўплаб ташкилот, корхона ва идораларда доимий равишда бу каби тadbirlар ўтказиб келиняпти.

Илҳомжон БОҚИЕВ,
Самарқанд вилояти ФВБ ахборот хизмати бошлиғи, катта лейтенант.

ШТАБ ФАОЛИЯТИ

Совуқ ҳаво оқими ва ноқулай об-ҳаво вақтида аҳолини огоҳликка чақиритиш ҳамда мавсумни беталафот ўтказиш мақсадида Қуйичирчиқ тумани ИИБда ШТАБ ташкил этилган. Штабда мутасадди ташкilotлар кеча-ю кундуз белгиланган хизмат олиб бормоқда. Аҳоли томонидан келиб тушган мурожаатлар ва муаммолар вақтида ўрганилиб, ечимини топмоқда.

Туман ФВ бўлими хodimlari томонидан уйма-уй юрилиб, иситиш печларининг дудбуронларини тўғри ўрнатиш, газ ёки бошқа муқобил ёқилги-

Об-ҳавонинг кескин совиб кетиши натижасида газ ҳамда электр иситиш мосламаларидан фойдаланишга эҳтиёж ортиб боради. Бундай пайтларда айрим фуқароларнинг эҳтиётсизлиги оқибатида қўнғилсиз ҳодисалар содир бўлиши кузатилмақда.

ОГОҲЛИК

Жумладан, 2022 йил 4 декабрь куни соат 07:00да Чиноз тумани “Хўжа” маҳалласида яшовчи бир оиланинг 3 нафар аъзоси ис газидан захарланиб, вафот этди. Улар орасида 3 ойлик чакалоқ ҳам бўлган. Олиб борилган терговга қадар текширув ҳаракатлари давомида маълум бўлдики, марҳум фуқаро Б.Й. хонадонидан фойдаланилган табиий газдан 7,5 миллион сўм қарздорлик мавжуд бўлган. Б.Й. хонадонидан газ таъминоти узилганига қарамастан, ўзбошимчалик билан газ тармоғига уланган ва ундан фойдаланиб келган.

Юқоридаги каби ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида, Оҳангарон тумани ФВ бўлими жойларда турли тарғибот-ташвиқот ишларини амалга оширмоқда. Ўз навбатида, барча юртдошларимизни газдан захарланиш ва чақнаш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш ҳамда юзага келиши мумкин бўлган омилларни баргараф этишда огоҳлик ва фаолликка чақиради.

У.ШЕРМУРАТОВ,
Тошкент вилояти ФВБ хodimi, подполковник.

SAVOL BERING, JAVOB BERAMIZ

Savol: Ko'krak bezi saratoni bilan og'riqan bemor har bir oylik muolajasi uchun 10 mln. so'mgacha dori-darmon va muolajaga pul sarflaydi. Iqtisod esa buni ko'taravermaydi. Shu toifa fuqarolarni "Temir daftar"ga kiritib, davlat hisobidan pul ajratilishi imkoniyati qanday?

Javob: Vazirlar Mahkamasi ning 150-sonli qarorining 4-bandiga ko'ra, "Temir daftar"ga quyidagi toifadagi oilalar kiritiladi:

ijtimoiy yordamga muhtoj I va II guruh nogironligi bo'lgan a'zolari mavjud oilalar;

kam ta'minlangan yakka-yolg'izlar va keksalar;

boquvchisini yo'qotgan ehtiyojmand oilalar;

ko'p (4 va undan ortiq) farzandli moddiy ko'makka muhtoj oilalar;

mehnatga layoqatli ishsiz a'zolari mavjud ehtiyojmand oilalar;

tibbiy yordamga muhtoj ehtiyojmand oilalar (surunkali yoki og'ir nogironlikka olib keluvchi kasallikka chalingan va nogironlik guruhi belgilanmagan a'zolari mavjud yetarli daromad manbaiga ega bo'lmagan oilalar);

noturar joylarda istiqomat qilayotgan, o'zi yoki birgalikda yashovchi oila a'zolarining nomida turar joy bo'lmagan ehtiyojmand oilalar.

Kam ta'minlangan, ijtimoiy himoyaga muhtoj oilalarga tibbiy xizmat ko'rsatish quyidagi tartibda amalga oshiriladi:

tibbiy yordamga muhtoj oilalar boshqaruv ofisi tomonidan tegishli tibbiyot xodimini jalb qilingan holda o'rganiladi keyin o'rganish natijasi bo'yicha kasalligi aniqlangan va tibbiy yordamga muhtoj oila a'zolari tibbiy ko'rikdan o'tish uchun tuman (shahar) tibbiyot birlashmasi ko'p tarmoqli markaziy poliklinikasiga yuboriladi, tibbiy ko'rik natijasi yuzasidan ko'rsatma bo'yicha oila a'zolari tuman (shahar) tibbiyot birlashmasida stasionar yoki ambulatoriya sharoitida davolanadi.

Demak, sizning holatingizda "Temir daftar"ga kiritilib, shu ko'rsatilgan tibbiy yordamni olishingiz mumkin.

J.DADAJONOV,
Sergeli tumani adliya bo'limi YXKM bosh yuriskonsulti.

хаво алмаштирувчи шамоллаштириш шахталари ёки туйнукларнинг ҳолати ўрганилиб, бу борада аниқланган камчиликларни баргараф қилиш чоралари кўрилиб, аҳоли ўртасида тушунтириш-тарғибот ишлари амалга оширилмоқда.

Э.ЖУМАБОВЕВ,
Қуйичирчиқ тумани ФВ бўлими бўлинма бошлиғи, лейтенант.

С.БОЙБЎТАЕВ,
Қуйичирчиқ тумани ФВ бўлими бошлиғи ўринбосари, капитан.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 31 йиллиги ҳамда 14-январь – Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан “Ватанпарвар” Бирлашган таҳририяти томонидан ўтказилган “Ватан билан улғаяр шон-шавкатимиз” номли мақолалар танловида ФВВ муассислигидаги “Вазият” газетаси ва “Муҳофаза+” журнали Бирлашган таҳририяти масъул котиби Баҳодир Валиев рағбатлантирувчи мукофот соҳиби бўлди.

Мазкур ютуқ байрам арафасида вазирлик тизими, жамоамиз ижодкорлари учун муносиб тўхфа бўлди.

Шу муносабат билан ҳамкасбимизни самимий муборакбод этган ҳолда, келгусидаги танловларда бундан-да юқори ўрин ва натижаларни тилаб қоламиз.

ФВВ Бирлашган таҳририяти жамоаси.



ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ

14 январь – Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида хизмат қилаётган, йигитлик бурчини ўтаётган мард ва жасур ўғлонларимизни муборакбод этаман.

Айни дамда қорли-кировли қаҳратон киш бўлишига қарамай чегараларимиз дахлсизлиги йўлида жон куйдириб, Ватанимиз сарҳадларини химоя қилаётган ҳарбий аскар йигитларимизга чуқур миннатдорлигимни изҳор этаман. Уларга узоқ умр, хотиржамлик, ҳушёрлик ва бахту саодат тилайман.

Айтишларича, бажарилган ҳар бир хайрли эзгу амал – бу Ватанга хизматдир! Ватанимиз тинчлиги ва осойишталиги йўлида жонини ҳам аямайдиган мард ўғлонларимиз ҳамisha омон бўлишин! Эзгулик йўлидаги собитқадамлик эса Ватан ҳимоясига қамарбасталиқдир!

Хонадонимиз қувончи, қалбимиз таянчи, биз қизу аёлларнинг буқилмас қаноти – эркакларимиз, йигитларимиз бор бўлишин доим!

*Ватанимиз қалқони, гурӯри сизлар,
Юртимизнинг шону шарафи сизлар.
Сиз борсиз, дунёда тинчлик барқарор,
Сизга шижоат ёр, сизга ҳиммат ёр...*

*Сизгадир олқишлар, сизга шараф-шон,
Доимо ёр бўлсин галаба, зафар.
Қўтламоқ биз учун фахр ва гурӯр,
Сиз борки, ободдир қишлоғу шаҳар...*

Ҳилолабону АЛОВХОНОВА,
Қамаши тумани ФВ бўлими инспектори.

АРМИЯМ – МЕНИНГ ФАХРИМ!

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 31 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Самарқанд вилояти ФВБ ва вилоят ҳарбий прокуратураси ҳамкорлигида бошқарма ходимлари ҳамда уларнинг фарзандлари ўртасида “Менинг армиям – менинг фахрим!” шиори остида энг яхши тасвирий санъат асарлари танлови ўтказилди.



Тадбирда 60 нафардан ортиқ иштирокчи қатнашди. Танлов натижаларига кўра, 3-ўринни Абдулла Расулов, 2-ўринни Шаҳзода Усмонова, 1-ўринни эса Меҳрибон Абрововалар эгалладилар.

Ғолиб ва совриндорлар эсадалик совгалари билан тақдирландилар.

Шунингдек, тадбир давомида ёнгин-кутқарув қисмига саёҳат тапшил этилиб, ҳарбийлар ва ёшлар ўртасида спортнинг шахмат-шашка тури бўйича мусобақа ўтказилди.

Самарқанд вилояти ФВБ
матбуот хизмати.

Ўзбекистон Respublikasi Qurolli Kuchlari tashkil etilganligining 31 yiligi hamda Vatan himoyachilari kuniga bag'ishlab Maxsus muhandislik-qurilish boshqarmasida “Milliy armiyamiz – Yangi O'zbekistonning mustahkam qalqoni” mavzusida davra suhabti tashkil etildi.

DAVRA SUHBATI



Unda boshqarma shaxsiy tarkibi. O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi a'zosi Muhammad Siddiq va shoir Mansur Jumayevlar ishtirok etdilar.

Tadbir davomida na'munali xizmat olib borayotgan harbiy xizmatchilar ijodkorlar tomonidan kitoblar bilan taqdirlandilar.

SHAHMADALIYEV,
tarbiyaviy va mafkuraviy ishlar bo'limi boshlig'i, kapitan.

I.KAJANOV,
OAV bilan ishlash bo'yicha katta texnik, oddiy askar.



Vaziyat

газетаси

Муассис:
Ўзбекистон
Республикаси
Фавқуллода
вазирлар
вазирлиги

Бош муҳаррир в.б.
Азамат СУЮНОВ

Газета таҳририят
компьютерхонасида
саҳифаланди.

Газета ҳар ҳафтанинг
пайшанба куни чиқади.
Топшириш вақти — 15:00.
Топширилди — 15:00.

Навбатчи:
М.САНАЕВ

Таҳририятга юборилган
материаллар қайтарилмайди ва
изоҳ берилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят
нуқтаи назаридан фарқланиши
мумкин.

Газетадан олинган
материаллар манбаси
кўрсатилиши шарт.

Газета Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида 2007 йил
3 январда 0096-рақам
билан рўйхатга олинган.
ISSN 2091-5292

Таҳририят манзили:
100084, Тошкент шаҳри,
Кичик ҳалқа йўли, 4-уй.
Тел.: (71) 231-96-71
Телеграмм: (90) 016-87-67

Индекс:
якка обуначилар ва
ташкilotлар учун – 382

Газета
“BUSINESS PRINT DESIGN”
босмахонасида босилди.
Манзил: Тошкент шаҳри,
Сўғалли ота кўчаси, 5-уй.
Буюртма №
Бичими: А3, ҳажми: 2,0 б.т
Адади — 6200 нуска